САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИБОЕВ ДИЛМУРОД РЎЗИМЕТОВИЧ

ТИЗЗА БЎҒИМИНИ ЭНДОПРОТЕЗЛАШ ОПЕРАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛГАН БЕМОРЛАРДА МАЖМУАВИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯГА ЁНДАШУВЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

14.00.12 – Тиббий реабилитология
14.00.22 – Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарканд – 2026

УДК: 616.728.3-002-089.28:615.838

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктор наук (DSc)

Content of Dissertation Abstract of doctor of sciences (DSc)

Рўзибоев Дилмурод Рўзиметович
Тизза бўғимини эндопротезлаш операцияси ўтказилган беморларда мажмуавий реабилитацияга ёндашувларни мувофиқлаштириш..... 3

Рузибоев Дилмурод Рузиметович
Оптимизация подходов к комплексной реабилитации больных после эндопротезирования коленного сустава……..... 27

Ruziboev Dilmurod Ruzimetovich
Optimization of approaches to comprehensive rehabilitation of patients after knee joint endoprosthesis Replacement..... 51

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works..... 58

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.06/2025.27.12.Tib.17.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

РЎЗИБОЕВ ДИЛМУРОД РЎЗИМЕТОВИЧ

ТИЗЗА БЎҒИМИНИ ЭНДОПРОТЕЗЛАШ ОПЕРАЦИЯСИ ЎТКАЗИЛГАН БЕМОРЛАРДА МАЖМУАВИЙ РЕАБИЛИТАЦИЯГА ЁНДАШУВЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ

14.00.12 – Тиббий реабилитология
14.00.22 – Травматология ва ортопедия

ТИББИЁТ ФАНИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарканд – 2026

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2025.1.DSc/Tib1229 рақам билан рўйхатга олинган

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.sammu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчилар:	**Усманходжаева Адибахон Амирсаидовна** тиббиёт фонлари доктори, доцент
	Асилова Саодат Убайевна тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Рахимова Дилором Алимовна** тиббиёт фанлари доктори, профессор
	Жумабеков Сабирбек Артисбекович тиббиёт фанлари доктори, академик
	Смычёк Василий Борисович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Абу али Ибн Сино номидаги Тожикистон Давлат Тиббиёт Университети**

Диссертация ҳимояси Самарканд давлат тиббиет университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.06/2025.27.12.Tib.17.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2026 йил 12-июни соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140100 Самарканд шаҳри, А.Темур кўчаси, 18-уй. СамДТУ бош биноси. Тел/факс: (99866) 233-30-34); e-mail: sammu@sammu.uz)

Диссертация билан, Самарканд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказда танишиш мумкин (№2844 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарканд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: (99866) 233-07-66)

Диссертация автореферати 2026 йил «10» апрел да тарқатилди.

(2026 йил «10» апрел даги 5 рақамли реестр баённомаси)

Н.А. Ярмухамедова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, DSc, Доцент

Ж.А. Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

С.Э. Мамараджабов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фан докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва аҳамияти. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, таянч-ҳаракат тизими касалликлари бутун дунёда сурункали оғриқ, ҳаракат чекланиши ва ногиронликнинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади. 2023-2024 йилларда[1] 528 миллиондан ортиқ киши остеоартритдан азият чекди, бу 1990 йилга нисбатан 132 фоизга кўпдир. Шу билан бирга, тизза бўғими шикастланиши барча остеоартрит ҳолатларининг 60-65 фоизигача бўлган қисмини ташкил этади. Ушбу касаллик ногиронликнинг етакчи ўнта сабаби қаторига киради ва катта ёшдаги аҳолининг жисмоний фаоллиги ва меҳнат қобилиятини чекловчи омиллар орасида биринчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ҳар йили миллионлаб беморлар мустақил ҳаракатланиш қобилиятини йўқотмоқда, бирламчи ногиронлик тузилмасида эса оғир шаклларнинг улуши юқори бўлиб қолмоқда. Бу эса муаммонинг ўта муҳим тиббий ва ижтимоий аҳамиятга эга эканлигини ҳамда жарроҳлик ва реабилитация ёндашувларини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Жаҳон клиник тажрибаси шуни кўрсатадики, тизза бўғимини тўлиқ эндопротезлаш остеоартритнинг сўнгги босқичини даволашнинг энг самарали усули ҳисобланади. Бу усул оғриқни сезиларли даражада камайтиради, оёқ таянч функциясини тиклайди ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилайди. Европа ва Шимолий Америкада эрта ташхис қўйиш, минимал инвазив жарроҳлик усуллари ва комплекс реабилитация устувор йўналишлар саналади. Бу йўналишлар касалхонага ётқизишлар сонини камайтириш ва функционал тикланишни тезлаштиришга ёрдам беради. Япония ва Жанубий Кореяда асосий эътибор профилактика, юришнинг биомеханик коррекцияси ва кинезиотерапияга қаратилган. Америка Қўшма Штатлари ва Канадада эса даволаш ва тикланиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш учун ортопедлар, реабилитологлар, физиотерапевтлар ва психологлар иштирокидаги беморларни мултидициплинар бошқариш моделлари кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда остеоартрит касаллигининг кўпайиши ва йирик бўғимларни эндопротезлашга бўлган эҳтиёжнинг ортиши кузатилмоқда. Бу ҳолат умр кўриш давомийлигининг ошиши, семизлик, гиподинамия ва моддалар алмашинуви бузилишларининг тарқалиши билан боғлиқ. Айни пайтда, жарроҳлик технологиялари ва реабилитация дастурларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар жадал ривожланмоқда, халқаро стандартларга асосланган замонавий ташхис ва даволаш усуллари жорий этилмоқда. Бироқ, эришилган ютуқларга қарамай, операциядан кейинги асоратлар частотасини камайтириш, статодинамик функцияни тиклашни тезлаштириш ва тизза бўғимини эндопротезлашдан сўнг беморларни тиббий, ижтимоий ва касбий жиҳатдан реабилитация қилиш

[1] https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/musculoskeletal-conditions

самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммолар ҳали-ҳануз ўз ечимини топмаган.

Белгиланган устувор йўналишларга мувофиқ, жарроҳлик аралашувларидан сўнг боеморларни реабилитация қилиш амалиётини таҳлил этиш ва такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш долзарб ва зарурдир. Ушбу тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади[2]. Тадқиқот мавзуси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий этиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон "Ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ва 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон "Юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларида назарда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Шундай қилиб, тизза бўғими остеоартритининг кенг тарқалганлиги, бу касалликнинг ногиронлик таркибига сезиларли таъсири, операциядан кейинги асоратларнинг ҳамон юқори даражада учраши ва мавжуд реабилитация дастурларининг етарли самара бермаслиги жарроҳлик тактикасини ва тикловчи даволашни такомиллаштириш учун янги ёндашувлар излашнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Юқорида келтирилган барча ҳолатлар ушбу диссертация тадқиқотининг юқори илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини белгилайди.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига тўлиқ мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи[3]. Ушбу тадқиқот тизза бўғимини тўлиқ эндопротезлаш тактикасига комплекс ёндашув ва остеоартрит билан оғриган беморларни кейинги реабилитациясига бағишланган. Бу касаллик таянч-ҳаракат тизими касалликлари орасида

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони"

[3] www.mayoclinic.org, www.cedars-sinai.org.,www.hss.edu, www.bmc.org, www.utsouthwestern.edu, www.helios-gesundheit.de, www.helios-gesundheit.de, www.asklepios.com, www.medschl.cam.ac.uk, www.medsci.ox.ac.uk, www.su.krakow.pl, www.unav.edu, sev.severance.healthcare, www.med.nagoya-u.ac.jp, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat

тарқалиши ва сабаб бўладиган ногиронлик даражаси бўйича етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Жаҳон амалиётида эндопротезлаш, операция пайтидаги оғриқсизлантириш, беморларни операциядан кейинги даволаш (жумладан, нейроабляция усуллари), остеоартрит билан касалланган беморларни эрта функционал реабилитация қилиш ва ижтимоий-касбий мослаштиришнинг замонавий технологияларини такомиллаштириш бўйича катта илмий ва клиник тажриба тўпланган.

Ушбу соҳадаги энг йирик тадқиқотлар қуйидаги етакчи клиникалар ва университетларда олиб борилган: Clinic Mayo, Cedars-Sinai тиббиёт маркази, Махсус жарроҳлик шифохонаси, Бостон тиббиёт маркази, UT Southwestern тиббиёт маркази (АҚШ); Helios ЭНДО-Клиник Ҳамбург, Helios Клиникум Крефелд, Асклепиос Алтона-Ҳамбург клиникаси (Германия); Кембриж университети ва Оксфорд университети (Буюк Британия); Краков университет шифохонаси (Полша); Наваррадаги Памплона университет шифохонаси (Испания); Seul Severance шифохонаси (Жанубий Корея); Нагоя университети (Япония); Травматология ва ортопедия миллий тиббий тадқиқот маркази, Р.Р. Вреден номидаги НИИТО, Россия халқлар дўстлиги университети (Россия); Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази ҳамда Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази (Ўзбекистон).

Халқаро тадқиқотлар эндопротез қисмларини тўғри жойлаштириш муҳимлигини кўрсатди. Бу биомеханик юкламани оптимал тақсимлаш орқали эрта асептик беқарорлик хавфини камайтиради (Ҳарвард Тиббиёт Мактаби, АҚШ). Операция пайтидаги инфилтратив оғриқсизлантириш ва операциядан олдинги тайёргарликнинг самарадорлиги тасдиқланган. Бу тайёргарлик сурункали инфекцияни аниқлаш ва бартараф этиш, остеопорозни баҳолаш ва оёқнинг статик-динамик функциясини таҳлил қилишни ўз ичига олади. Булар операциянинг муваффақиятли якунланишининг асосий омиллари ҳисобланади (Бонн Университети, Германия). Етакчи клиникаларнинг тадқиқотлари консерватив ва оператив даволаш усулларини такомиллаштириш (Р.Р. Вреден номидаги НИИТО, Россия), микроциркулятор бузилишлар патогенези (Кембриж ва Оксфорд Университетлари, Буюк Британия), тромбоэмболик ва йирингли-септик асоратларнинг олдини олиш (Н.Н. Приоров номидаги Травматология ва ортопедия миллий тиббий тадқиқот маркази, Россия), шунингдек, операциядан кейинги сурункали оғриқни камайтириш учун нейроабляция усулларини қўллаш (Нагоя университети, Япония) масалаларини ҳам қамраб олган.

Ҳозирги кунда аксарият ривожланган мамлакатларда тизза бўғимини тўлиқ эндопротезлашдан (ТБТЭ) сўнг беморларни комплекс даволашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай ёндашув ўз ичига қуйидагиларни олади: самарали оғриқсизлантириш, қон йўқотиш ва контрактураларнинг олдини олиш, эндопротез қисмларининг жойлашувини оптималлаштириш, беморларни эрта фаоллаштириш, нейромушак стимуляцияси усулларини қўллаш, суяк тўқимасининг минерал зичлигини оширишга қаратилган чоралар, ҳамда ижтимоий-касбий реабилитация. Ушбу чораларни амалга

оширишнинг асосий мақсади – бу беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва тизза бўғимини эндопротезлашдан кейин ногиронлик даражасини пасайтиришга эришиш имконини беришдир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. А.И. Мартинов ва ҳамкасбларининг (2015) маълумотларига кўра, турли мамлакатлар аҳолисининг 11-13 фоизида тизза бўғими остеоартрити симптомокомплекслари аниқланади. Хорижий тадқиқотлар ёш ва тана вазни ортиши билан остеоартритнинг клиник белгилари кучайишини кўрсатади, шунингдек беморлар орасида аёлларнинг кўплигини таъкидлаб, гендер хусусиятларини ҳам қайд этади (Jacobs Ж.Ж. ва бошқ., 2008; Hochberg M.C. ва бошқ., 2013). Бундан ташқари, генетик тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланганидек, ирсий омилларнинг аҳамияти ҳам ишончли тарзда кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикасида ҳам тизза бўғими остеоартритини ўрганиш бўйича салмоқли тажриба тўпланган. Бир қатор тадқиқотларда деформацияларда суяк нуқсонларининг хусусиятлари (Азизов М.Ж., Алимов А.П., 2016), остеоартрит ривожланишида жароҳатларнинг ўрни (Каримов М.Ю., Холмуродов У.Т., 2019), патологик синовиал бурмалар (Ирисметов М.Э., Таджиназаров М.Б., 2021) таҳлил қилинган, остеотроп даволаш фонида денситометрик кўрсаткичлар баҳоланган (Азизов М.Ж. ва ҳамкасблари, 2016), шунингдек, ушбу тоифадаги беморларни тиббий ва ижтимоий реабилитация қилиш чоралари таклиф этилган ва асосланган (Хўжаназаров И.Э., 2020; Рустамова У.М., 2021).

XXI аср бошидан бери бутун дунёда тизза бўғимини тўлиқ эндопротезлаш (ТБТЭ) операциялари сони кўпайди ва остеоартритнинг сўнгги босқичларини даволашнинг энг самарали усули сифатида қаралмоқда (Корнилов Н.Н., Куляба Т.А., Федоров Р.Э., 2012). Эндопротезлаш оғриқ синдромини бартараф этиш, оёқнинг ҳаракат ҳажми ва таянч қобилиятини тиклашда ўз самарадорлигини исботлаган (Чрагян Г.А. ва бошқ., 2012; Азизов М.Ж., Алимов А.П., 2018; Каримов М.Ю., Мадрахимов С.Б., 2024). Бироқ, усулнинг чекловлари ҳам мавжуд бўлиб, уларга полимер қисмларнинг эскириши ва юмшоқ тўқималар номутаносиблигини тузатишнинг мураккаблиги киради (Müller M., 2012; Игнатенко В.Л. ва бошқ., 2011).

Сўнгги йилларда тиббий, ижтимоий ва касбий жиҳатларни ўз ичига олган комплекс реабилитация алоҳида аҳамият касб этмоқда (Азизов М.Ж., 2012; Асилова С.У., 2018; Ирисметов М.Э., 2021; Казак Л.Г., 2003). Олиб борилган тадқиқотларга қарамай, узлуксиз тиббий-ижтимоий реабилитация тизими ва эрта меҳнат экспертизаси мезонлари ҳали етарли даражада ишлаб чиқилмаган (Тайлашев М.М. ва бошқ., 2010; Троценко В.В., 2000; Абелсев В.П. ва бошқ., 2012; Каркавина А.Н., 2008; Cichy B. ва ҳаммуал.).

Ўзбекистонда йирик бўғимлар патологияси бўлган беморлар рўйхатга олинмоқда, бу эса ҳар йили 70 000 дан ортиқ эндопротезлаш амалиётларига эҳтиёж борлигини кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич, айниқса COVID-19 пандемиясидан сўнг янада ошди (Азизов М.Ж. ва ҳаммуал., 2012-2024). Бироқ, мавжуд маълумотларда эрта ва узоқ муддатли натижалар, шунингдек,

ТБТЭнинг ҳаёт сифати ва меҳнат фаолиятига таъсири етарлича тўлиқ акс эттирилмаган. Бу эса жарроҳлик тактикасини такомиллаштириш, асоратларнинг олдини олиш ва комплекс реабилитация тизимини ривожлантиришга қаратилган кейинги тадқиқотларнинг долзарблигини белгилаб беради.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида ҳамда Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг 2024-2026 йилларга мўлжалланган AL-742210850 рақамли "Тизза бўғими касалликлари билан оғриган беморлар ва ногиронлиги бор шахсларни эрта, босқичма-босқич тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш технологиясини ишлаб чиқиш" мавзусидаги амалий грант асосида амалга оширилди.

Илмий тадқиқотнинг мақсади: тизза бўғимини эндопротезлаш натижаларини самарадорлигини ошириш мақсадида жарроҳлик муолажасини такомиллаштириш ва реабилитация жараёнларини оптималлаштиришнинг мақбул усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизза бўғими ОА билан оғриган беморларда оёқнинг статик-динамик функцияси бузилиш даражасини аниқлаш орқали эндопротезлашдан кутилаётган натижаларни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;

тизза бўғими ОА бўлган беморларда оёқнинг статик-динамик функциясини инобатга олган ҳолда тўлиқ эндопротезлашга кўрсатмаларнинг диагностик алгоритмини ишлаб чиқиш;

оёқнинг статик-динамик функцияси бузилишининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда эндопротезлаш пайтида тизза қопқоғининг латерал жойлашувини техникасини такомиллаштириш;

операциядан кейинги эрта реабилитацияни тезлаштиришга қаратилган тизза бўғимини эндопротезлаш операция давомидаги маҳаллий инфильтрацион оғриқсизлантириш усулини такомиллаштириш;

тўлиқ эндопротезланган бўғимнинг эрта реабилитацияси учун ва бўғимнинг статик-динамик ҳамда таянч функцияси тиклаш учун мўлжалланган реабилитация мосламасини яратиш;

эндопротезлашнинг функционал натижаларини, операциядан кейинги тиббий-ижтимоий самарадорлигини баҳолаш, ногиронлик динамикаси, унинг оғирлик даражасининг камайиш ҳамда беморларнинг меҳнат фаолиятига қайтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўрганиш.

Тадқиқот объекти: Тизза бўғими тотал эндопротезлашдан ўтган, эрта ва кечки тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация босқичида бўлган тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморлар.

Тадқиқот предмети: тизза бўғими остеоартрити билан оғриган беморларни тотал эндопротезлаш жарроҳлик йўли билан даволаш ва комплекс реабилитация қилиш жараёни.

Тадқиқот усуллари: остеоартрит билан оғриган беморларда тизза бўғимини тотал эндопротезлашнинг клиник-функционал, биомеханик, нейромушак ва тиббий-ижтимоий натижалари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор тизза бўғими остеоартрози билан оғриган беморларда оёқнинг статик-динамик функциясини комплекс таҳлили асосида функционал баҳолаш ва реабилитацион прогнозлаш тизими оптималлаш орқали тизза бўғимини тотал эндопротезлаш натижаларини ишончли башоратлаш асосланган;

статик-динамик функция ҳолатини инобатга олган ҳолда тотал эндопротезлашга номзод беморларни операциядан олдин танлаб олиш алгоритмини жорий этиш орқали асосий гуруҳда функционал кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланиши асосланган;

тизза қопқоғини латерализация қилиш ва тиклаш усули (FAP 01728-сонли патент) ҳамда эрта функционал реабилитацияни қўллаш орқали эндопротезлаш техникаси такомиллаштириш орқали операциядан кейинги контрактуралар 8,6% дан 2,5% гача камайтириб, тизза қопқоғи чиқишини тўлиқ бартараф этилганлиги аниқланган;

маҳаллий инфильтрацион анестезия усулини (FAP 01906-сонли патент) жорий этилиши натижасида тезлаштирилган реабилитация дастурида интраоперацион анестезия протоколи такомиллаштирилди, бу орқали операциядан кейинги даврнинг енгил кечиши, оғриқ жадаллигининг пасайиши, наркотик анальгетикларга эҳтиёжнинг камайиши ва беморларнинг эрта фаоллашувини таъминлаши исботланган;

эрта реабилитация учун мўлжалланган оригинал қурилмани (FAP 02197-сонли патент) ўз ичига олган босқичма-босқич комплекс реабилитация жорий этилди, бу орқали нерв-мушак фаоллигининг тезроқ тикланишини ва ҳаёт сифатининг сезиларли яхшиланишини (SF-36 — +49 %, FJC-12 — +34,3 %) таъминлаб, ногиронлик кўрсаткичини 28,1% дан 16,2% гача камайиши асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тизза бўғимини эндопротезлашда тизза қопқоғини латерализация қилиш усули оптималлаштирилган, бу физиологик пателлофеморал нисбатларни тиклаш, тизза қопқоғининг операциядан кейинги чиқиши хавфини ва букувчи контрактуралар частотасини камайтириш, янада барқарор функционал натижаларни таъминлаш имконини берган;

оғриқ синдромини сезиларли даражада камайтириш, операциядан кейинги эрта қон йўқотиш ва наркотик анальгетикларга бўлган эҳтиёжни камайтиришни таъминлайдиган операция ичи маҳаллий инфильтрацион анестезия усули жорий этилган, бу эса беморларни эрта фаоллаштириш ва функционал реабилитацияни тезлаштиришга ёрдам берган;

қўшни бўғимлар ва умуртқа поғонасининг ҳолатини ҳисобга олган ҳолда беморларнинг меҳнатга лаёқатлилигини баҳолашнинг янги мезонлари ишлаб чиқилган ва жорий этилган, бу касбий реабилитацияни индивидуаллаштириш, эндопротезлашдан кейин бўғимга ортиқча юкламани камайтириш ва фаол меҳнат фаолиятига қайтган беморлар улушини ошириш имконини берган;

тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитациянинг комплекс босқичма-босқич тизими жорий этилган, бу операциядан кейинги асоратлар частотасининг пасайишини, статик-динамик функцияларнинг тез тикланишини ва бирламчи ногиронлик даражасининг сезиларли даражада пасайишини таъминлаган;

функционал реабилитация қурилмаси, тизза нервларининг нейроабляцияси ва реабилитация салоҳиятини баҳолаш учун балл шкаласи билан биргаликда такомиллаштирилган ва жорий этилган, бу эса стационар даволаниш муддатини қисқартириш, оғриқнинг оғирлигини камайтириш, контрактуралар частотасини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тизимли таҳлил, клиник ва инструментал текширув усулларини ўз ичига олган комплекс услубий ёндашувни қўллаш, шунингдек, замонавий лаборатория, функционал ва биокимёвий тадқиқотлардан фойдаланиш билан таъминланган. Маълумотларни текшириш клиник кузатувларни диагностик ва жарроҳлик аралашувлар натижалари билан таққослаш, ҳамда корреляцион, регрессион ва дисперсион таҳлил усулларини қўллаган ҳолда статистик ишлов бериш орқали амалга оширилди. Бу эса танланманинг вакиллигини, аниқланган ўзаро боғлиқликларнинг ишончлилигини ва чиқарилган хулосаларнинг холислигини тасдиқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, клиник, биомеханик, асаб-мушак ва тиббий-ижтимоий кўрсаткичларни ҳар томонлама баҳолаш асосида тизза бўғимини тўлиқ эндопротезлашдан сўнг беморларни жарроҳлик тактикасини оптималлаштириш ва реабилитация қилишнинг янги ёндашувлари илмий жиҳатдан асосланган. Бу эса статико-динамик функцияни тиклаш механизмлари ҳақидаги тасаввурни кенгайтирган, даволаш натижаларининг башорат мезонларини аниқлаштирган ҳамда тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитациянинг индивидуаллаштирилган дастурлари учун илмий асос яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, такомиллаштирилган жарроҳлик техникаси, замонавий оғриқсизлантириш усуллари ва комплекс босқичма-босқич реабилитация тизимини жорий этиш натижасида операциядан кейинги асоратлар сони камайган, функционал тикланиш тезлашган, оғриқ ва ногиронлик даражаси пасайган, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифати ва умумий аҳволи яхшиланган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 7 июлдаги 21-сонли хулосасига кўра, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича қуйидагилар аниқланган:

Биринчи илмий янгилик: илк бор тизза бўғими остеоартрози билан оғриган беморларда оёқнинг статик-динамик функциясини комплекс таҳлили асосида функционал баҳолаш ва реабилитацион прогнозлаш тизими оптималлаш

орқали тизза бўғимини тотал эндопротезлаш натижаларини ишончли башоратлаш асосланган. Бу бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган «Основный принципы комплекного подхода к медико-социальной и профессиональной реабилитации больных и лиц с инвалидностью» номли ва Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных процедур после эндопротезирования коленного сустава у больных старшего возраста” номли услубий тавсияномалар Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиник шифохонасида 2025 йил 3 июндаги 63-сонли буйруғи ва Хоразм вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 2 июндаги 16 ва 17-сонли буйруқлари, Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 31 майдаги 37-А-сонли асосида жорий қилинди; *Ижтимоий самарадорлиги:* пателлофеморал бирикма барқарорлигининг яхшиланиши таянч қобилиятининг тезроқ тикланишига, оғриқ синдромининг камайишига ва ҳаёт сифатининг ошишига ёрдам берди, бу эса беморларнинг тезкор ижтимоий ва маиший мослашувини таъминлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* асоратлар частотасининг пасайиши стационар даволанишнинг ўртача давомийлигини 7 ёток-кунга қисқартирди, бу такрорий касалхонага ётқизиш, дори-дармон терапияси ва реабилитация тадбирларини камайтириш ҳисобига бир бемор учун 3,2 миллион сўм ва 1000 бемор учун йилига 3,2 миллиард сўм тежашни таъминлади. *Хулоса:* тизза қопқоғини латерализация қилишнинг оптималлаштирилган усулини жорий этиш клиник, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир.

Иккинчи илмий янгилик: статик-динамик функция ҳолатини инобатга олган ҳолда тотал эндопротезлашга номзод беморларни операциядан олдин танлаб олиш алгоритмини жорий этиш орқали асосий гуруҳда функционал кўрсаткичлар сезиларли даражада яхшиланиши асосланган. Бу бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган «Основный принципы комплекного подхода к медико-социальной и профессиональной реабилитации больных и лиц с инвалидностью» номли ва Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных процедур после эндопротезирования коленного сустава у больных старшего возраста” номли услубий тавсияномалар Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиник шифохонасида 2025 йил 3 июндаги 63-сонли буйруғи ва Хоразм вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 2 июндаги 16 ва 17-сонли буйруқлари, Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 31 майдаги 37-А-сонли асосида жорий қилинди; *Ижтимоий самарадорлиги:* оғриқни самарали назорат қилиш беморларнинг фаоллашувини тезлаштирди, эрта даволовчи

жисмоний машқларга чидамлилигини яхшилади ва функционал тикланиш вақтини қисқартирди. Бу бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган «Основный принципы комплекного подхода к медико-социальной и профессиональной реабилитации больных и лиц с инвалидностью» номли ва Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных процедур после эндопротезирования коленного сустава у больных старшего возраста” номли услубий тавсияномалар Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиник шифохонасида 03.06.2025 йилдаги 63-сонли буйруғи ва Хоразм вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 02.06.2025 йилдаги 16 ва 17-сонли буйруқлари, Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 31.05.2025 йилдаги 37-А-сонли асосида жорий қилинди; *Иқтисодий самарадорлиги:* дори-дармон харажатларини камайтириш, шифохонада бўлиш муддатини 7 ётоқ-кунга қисқартириш ва асоратлар частотасини камайтириш ҳар бир бемор учун 2,1 миллион сўм ва йилига 1000 бемор учун 2,1 миллиард сўм тежашни таъминлади. *Хулоса:* инфильтрацион оғриқсизлантириш усулини жорий этиш эрта реабилитация самарадорлигини оширади ва даволаш харажатларини камайтиради.

Учинчи илмий янгилик: тизза қопқоғини латерализация қилиш ва тиклаш усули (FAP 01728-сонли патент) ҳамда эрта функционал реабилитацияни қўллаш орқали эндопротезлаш техникаси такомиллаштириш орқали операциядан кейинги контрактуралар 8,6% дан 2,5% гача камайтириб, тизза қопқоғи чиқишини тўлиқ бартараф этилганлиги аниқланган. Бу бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган «Основный принципы комплекного подхода к медико-социальной и профессиональной реабилитации больных и лиц с инвалидностью» номли ва Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных процедур после эндопротезирования коленного сустава у больных старшего возраста” номли услубий тавсияномалар Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиник шифохонасида 2025 йил 3 июндаги 63-сонли буйруғи ва Хоразм вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 2 июндаги 16 ва 17-сонли буйруқлари, Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 31 майдаги 37-А-сонли асосида жорий қилинди; *Ижтимоий самарадорлиги:* комплекс реабилитация ҳаракат фаоллигини эрта тиклаш, беморларнинг мустақиллигини ошириш ва ҳаёт сифатини яхшилашни таъминлади. Бу бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган «Основный принципы комплекного подхода к медико-социальной и профессиональной

реабилитации больных и лиц с инвалидностью» номли ва Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных процедур после эндопротезирования коленного сустава у больных старшего возраста” номли услубий тавсияномалар Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиник шифохонасида 03.06.2025 йилдаги 63-сонли буйруғи ва Хоразм вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 02.06.2025 йилдаги 16 ва 17-сонли буйруқлари, Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 31.05.2025 йилдаги 37-А-сонли асосида жорий қилинди; *Иқтисодий самарадорлиги:* стационар ва амбулатор реабилитация муддатининг 7 кунга қисқариши бир бемор ҳисобига 5,4 миллион сўм ва йилига 1000 бемор ҳисобига 5,4 миллиард сўм иқтисод қилиш имконини берди. *Хулоса:* босқичма-босқич тиббий реабилитация тизимини жорий этиш клиник ва иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди.

Тўртинчи илмий янгилик: маҳаллий инфильтрацион анестезия усулини (FAP 01906-сонли патент) жорий этилиши натижасида тезлаштирилган реабилитация дастурида интраоперацион анестезия протоколи такомиллаштирилди, бу орқали операциядан кейинги даврнинг енгил кечиши, оғриқ жадаллигининг пасайиши, наркотик анальгетикларга эҳтиёжнинг камайиши ва беморларнинг эрта фаоллашувини таъминлаши исботланган. Бу бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган «Основный принципы комплекного подхода к медико-социальной и профессиональной реабилитации больных и лиц с инвалидностью» номли ва Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных процедур после эндопротезирования коленного сустава у больных старшего возраста” номли услубий тавсияномалар Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиник шифохонасида 2025 йил 3 июндаги 63-сонли буйруғи ва Хоразм вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 2 июндаги 16 ва 17-сонли буйруқлари, Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 31 майдаги 37-А-сонли асосида жорий қилинди; *Ижтимоий самарадорлиги:* қурилмадан фойдаланиш беморларнинг маиший, ижтимоий ва касбий фаолиятга тезроқ қайтишини таъминлади. *Иқтисодий самарадорлиги*: реабилитация муддатининг 12 кунга қисқариши тикловчи даволаш харажатларини ҳар бир бемор учун 3,6 миллион сўмга ва йилига 1000 бемор учун 3,6 миллиард сўмга камайтириш имконини берди. *Хулоса:* функционал реабилитация аппаратини қўллаш тикловчи даволаш самарадорлигини сезиларли даражада оширади ва соғлиқни сақлаш тизимига иқтисодий юкни камайтиради.

Бешинчи илмий янгилик: эрта реабилитация учун мўлжалланган оригинал қурилмани (FAP 02197-сонли патент) ўз ичига олган босқичма-босқич комплекс реабилитация жорий этилди, бу орқали нерв-мушак фаоллигининг

тезроқ тикланишини ва ҳаёт сифатининг сезиларли яхшиланишини (SF-36 — +49 %, FJC-12 — +34,3 %) таъминлаб, ногиронлик кўрсаткичини 28,1% дан 16,2% гача камайиши асосланган. Бу бўйича таклифлар Соғлиқни сақлаш вазирлиги Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш бўлими томонидан тасдиқланган «Основный принципы комплекного подхода к медико-социальной и профессиональной реабилитации больных и лиц с инвалидностью» номли ва Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказининг Илмий кенгаши томонидан тасдиқланган “Алгоритм реабилитационных процедур после эндопротезирования коленного сустава у больных старшего возраста” номли услубий тавсияномалар Тиббиёт ходимлари касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиник шифохонасида 2025 йил 3 июндаги 63-сонли буйруғи ва Хоразм вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 2 июндаги 16 ва 17-сонли буйруқлари, Самарқанд вилояти Ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш марказининг 2025 йил 31 майдаги 37-А-сонли асосида жорий қилинди; *Ижтимоий самарадорлиги:* тизимнинг жорий этилиши ногиронликни сезиларли даражада камайтириш, ижтимоий интеграцияни ошириш ва беморларнинг касбий имкониятларини кенгайтиришни таъминлади. *Иқтисодий самарадорлиги:* вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик муддатларини қисқартириш, ногиронлик бўйича тўловларни камайтириш ва такрорий касалхонага ётқизишни камайтириш ҳисобига ҳар бир бемор учун йилига 9,8 миллион сўм ва 1000 бемор учун йилига 9,8 миллиард сўм иқтисод қилишга эришилди. *Хулоса:* тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитациянинг комплекс тизими барқарор клиник, ижтимоий ва сезиларли иқтисодий самарани таъминлайди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шулардан 10 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган журналларда, жумладан 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда шундан 2 таси scopus базазига индексацияланган журналларда нашр этилган, 3 та фойдали моделга патент ва 2 та ЭҲМ дастури олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 7 та боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 185 саҳифа босма матнни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, унинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, шунингдек мавзунинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Бундан ташқари, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамиятини

тавсифловчи ҳолатлар баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, илмий қоидаларни соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этиш масалалари ёритилган, тадқиқотнинг апробацияси, муаллифнинг нашрлари ва диссертация ишининг тузилиши ҳақида маълумот келтирилган.

Диссертатциянинг **“Тизза бўғимини эндопротезлаш операциясини амалга ошириш ва операциядан кейин беморларни реабилитация қилишнинг замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида Тизза бўғими касалликлари ичида энг кўпроқ учрайдиган ОА мавзуга бағишланган бўлиб, замонавий адабиётлар таҳлил қилинган, яъни остеоартрит (ОА) муаммоси бўйича маҳаллий ва хорижий илмий адабиётларнинг ҳар томонлама таҳлили ўтказилган. Ушбу тоифадаги беморларнинг эпидемиологияси, эрта ташхислаш, жарроҳлик даволашнинг замонавий ёндашувлари ва босқичма-босқич тиббий реабилитацияси масалалари кўриб чиқилган, тиббий-ижтимоий экспертиза мезонлари, меҳнат қобилияти ва ижтимоий қайта мослашув, операция усуллари, асоратлар таҳлил қилинган. ОА муаммоси ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда ва ташкилий ҳамда клиник ёндашувларни янада такомиллаштиришни талаб этмоқда. Боб умумлаштирувчи хулосалар билан якунланади.

Диссертатциянинг **«Клиник материаллар ва тадқиқот усуллари тавсифи»** деб номланган иккинчи бобида клиник материалнинг умумий тавсифи берилган ва илмий таҳлил учун асос бўлган услубий ёндашувлар ёритилган. Ушбу бўлимда тизза бўғими касалликлари билан оғриган беморлар умумий тавсифи, қўлланилган клиник, рентгенологик МРТ, электромиографик ва биомеханик тадқиқотлар, қўшимча равишда беморлар ва уларни оилавий мослашувларида асосий аҳамият касб этадиган ҳаёт сифатини баҳолаш мезонлари, беморларни психологик тестлаш натижалари ҳақида маълумот берилган.

Мазкур диссертация илмий ишимизда тизза бўғими ОА касаллигининг Kellgren–Lawrence тавсифи бўйича 3-4 даражали ўзгаришли беморларнинг ТБТЭ жаррохлик амалиётларининг клиник ва реабилитацион муолажаларини баҳолаш натижалари ўрганилган. Тадқиқот объекти сифатида 2016-2024 йиллар давомида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий марказида даволанган 235 нафар бемор олинган.

Беморлар жарроҳлик усули ва ўтказилган реабилитация тадбирларининг хусусиятига қараб икки гуруҳга бўлинди. Асосий гуруҳ (А=120) таклиф этилган модификацияланган жарроҳлик усули бўйича ТБТЭ ўтказилиб, кейинчалик босқичма-босқич ихтисослаштирилган реабилитация ўтказилган беморларни ўз ичига олди; назорат гуруҳи (n=115) анъанавий усуллар билан жаррохлик амалиёти бажарилиб, стандарт реабилитация дастури ўтказилган беморлардан иборат бўлди.

Тадқиқотга киритилган 235 нафар бемор орасида аёллар кўпчиликни ташкил этди - 194 нафар (82,5%), эркаклар эса 41 нафарни (17,5%) ташкил этди. Бу умумий қабул қилинган эпидемиологик маълумотларга мос келади. Унга кўра, тизза бўғими остеоартрити аёлларда, айниқса менопаузадан

кейинги ёшда, гормонал ва метаболик ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада кўпроқ учрайди.

СДФнинг бузилиш даражасини аниқлаш ва индивидуал реабилитация дастурини режалаштириш учун муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган, Интеллектуал мулк агентлигида рўйхатдан ўтказилган таснифдан фойдаланилди (№DGU 12980, 08.10.2021 й.).

Статик-динамик функция (СДФ) бузилишларининг ёши, жинси ва оғирлиги бўйича умумий маълумотлар 1-жадвалда акс эттирилган. СДФнинг оғир бузилиши ва қўшни бўғимлар (III ФС) зарарланиши билан оғриган беморларнинг аксарияти кекса ёшдагилар тоифасига кириб, доимий ёрдамга муҳтож бўлган.

1-жадвал.

ТБТЭдан кейин беморларнинг ёши, жинси ва функционал синфи бўйича тақсимланиши

Функционал синф	Эр. 40-60 ёш	Айл. 40-60 ёш	Эркаклар ≥60 ёш	Аёллар ≥60 ёш	Жами
I ФС	1	1	12	11	25
II ФС	9	63	12	105	189
III ФС	5	9	2	5	21
Жами	15	73	26	121	235

Статистик таҳлил Excel 7.0 дастурида амалга оширилди, t-критерий Стьюдент ≥ 2.0 ёки $p<0.05$ ҳолатида натижалар ишончли деб ҳисобланди.

Диссертациянинг **«Тизза бўғимини эндопротезлаш операция тактикасини»** деб номланган учинчи боби тадқиқот доирасида ТБТЭ тизза бўғимининг турли даражадаги деформацияси ва патологик ўзгаришлари бўлган 235 нафар беморда ўтказилган ТБТЭ жаррохлик амалиётларига бағишланган бўлиб, асосан эндопротез моделларини клиник-анатомик хусусиятларга қараб танлаш, жаррохлик усуллари турлари, реабилитация учун қулай шароитлар яратиш мақсадида жаррохлик ичи оғриқсизлантиришлар жараёнларини қамраб олади. Кўп ҳолларда юмшоқ тўқималарнинг шикастланишини камайтиришга ва операциядан кейинги тикланишни яхшилашга имкон берувчи такомиллаштирилган субвастус ва ўрта кесим йўллари қўлланилган. Амалий тажриба асосида бирламчи тўлиқ эндопротезлаш учун мослаштирилган субвастус кесимнинг ўзгартирилган турини ишлаб чиқилди.

Бу бобда 2016-2024 йиллар давомида ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш Миллий марказида бажарилган эндопротезлаш жаррохлик амалиётлар ва уларнинг турлари тўғрисида батавсил маълумотлар келтирилган. Бу бажарилган жаррохлик амалиётлари танланган гурхларга қараб қуйидагича бажарилган: назорат гуруҳида 115 беморда анъанавий «медиал парапателляр» усул билан операция қилинди, асосий гурухдаги 120 нафар беморларга бизнинг томонимиздан ишлаб чиқилган кам шикастлантирувчи янги субвастус жаррохлик усулидан (FAP №20240078) фойдаланилган.

Якунда шундай хулосага келиндики: ишлаб чиққан усул асосида олиб борилган операциялар натижасида юқори самарадорлик 84,5% (100 бемор), яхши самарадорлик 12,8% (15 бемор) кузатилди. Назорат гуруҳида бу кўрсаткичлар 64,9% ва 16,5% ни ташкил этди. Битта беморда операция техник қийинчилик сабабли кичик болдир нервида невропатия ривожланган ва самарадорлик паст ҳолатда бўлган. Бундан келиб чиқадики, ишлаб чиққан эндопротезлаш усули самарадорликни анъанавий усулга нисбатан 17,6% га оширди. Жаррохлик амалиётидаги қон кетишларни камайтириш мақсадида Тринакса препаратини қўллаш тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган бўлиб асосий гуруҳдаги 120 беморга операция вақтида Тринакс препарати қуйидаги тартибда қўлланилди: операция бошланишидан 20 дақиқа олдин 1000 мг гача препарат томир ичига томизиб юборилди, шунингдек операция давомийлигига қараб, қўшимча равишда беморнинг тана вазнига қараб 200 мг Тринакс тўғридан-тўғри (струйно) юборилди. Операциядан кейинги қон йўқотиш кўрсаткичлари 200–250 мл дан ошмади, ҳатто операция вақтида турникет тизими қўлланилмаган. Операция вақтида тўлиқ гемостаз амалиёти хирургларга операцияни аниқ ва тез ўтказиш имконини берди, бу жараёнда суяк қон йўқотиши кузатилмади. Одатда, суякдан қон кетиши хирургларга тўсқинлик қилади ва операция вақтини узайтиради, ўртача операция 75 дақиқа давом этган.

2-жадвал.

Асосий ва назорат гуруҳидаги беморларда қон йўқотиш ҳажми, қон қуйишга бўлган эҳтиёж ва тромбоэмболик асоратлар частотасининг қиёсий баҳоси

Кўрсаткич	Асосий гуруҳ	Назорат гуруҳи
Операция пайтидаги қон йўқотиш	200-250 мл	350-400 мл
Операциядан кейинги қон йўқотиш	100-130 мл	250-300 мл
Умумий қон йўқотиш ҳажми	300-380 мл	600-700 мл
Қон қуйишга бўлган эҳтиёж	Бўлмади	3 та беморда (жами 750 мл)
Тромбоэмболик асоратлар частотаси	Кузатилмади	2 та беморда

Жадвалдан кўринишича, операция вақтида антифибринолитик дори воситаларини адекват қўллаш интероперацион ва эрта операциядан кейинги даврда қон йўқотишни 50% гача камайтиради. Тринакс препаратининг яхши антифибринолитик хусусияти туфайли, у операция вақтида суякдан қон йўқотишни камайтиради ва хирургларга операцияни ўз вақтида амалга ошириш имконини беради.

Диссертациянинг 3-бобида операциянинг функционал натижаларни яхшилаш учун муаллиф томонидан таклиф қилинган эндопротезлаш вақтида оғриқсизлантириш усулини (№FAP 20200197 рақамли фойдали модель патенти) ва унинг авзалликлари ҳам келтириб ўтилган. Бу усул қуйидаги тарзда амалга оширилади: бўғимнинг юза қисми, сон, катта болдир суяги ва

тизза қопқоғига якуний ишлов бергандан сўнг, фиброз капсула, суяк пардаси, коллатерал боғламлар, соннинг ички ва ташқи кенг мушаклари ҳамда тизза қопқоғининг хусусий боғламларига интероперацион анестезия қўлланилади. Операциядан кейинги оғриқ даражаси ВАШ 10 баллик визуал аналог шкаласи орқали баҳоланган. Оғриқнинг пайдо бўлиши вақти, дам олишдаги ва ҳаракат пайтидаги оғриқ, диспептик ҳолатлар (қусиш, кўнгил айниши), дренаждан чиқадиган қон миқдори ва қўшимча оғриқсизлантиришга эҳтиёж баҳоланган. Асосий гуруҳда операциядан кейин оғриқ ўртача 8–10 соатда бошланган бўлса, назорат гуруҳида бу 1–1,5 соатни ташкил этган. ВАШ бўйича асосий гуруҳда оғриқ 2,5–3 балл бўлса, назорат гуруҳида 4–4,5 баллга етган. Дренаждаги қон асосий гуруҳда 100 мл гача, назорат гуруҳида 200–250 мл ни ташкил этган. Диспептик ҳолатлар асосий гуруҳда 3 беморда, назорат гуруҳида 17 беморда кузатилган. Наркотик оғриқсизлантирувчи воситалар асосий гуруҳда фақат бир марта қўлланилган, назорат гуруҳида ўртача 2,5 марта. Асосий гуруҳда беморлар операциядан кейинги биринчи кунёқда фаоллаштирилган бўлса, назорат гуруҳида бу 2–3 кунга кечиккан. Бунинг натижасида асосий гуруҳда беморлар 6 кун ичида касалхонадан чиқишга эришган.

Тиззани тотал эндопротезлашда тизза қопқоғини сон компонентига нисбатан тўғри жойлашиши жуда муҳим. Нотўғри жойлашиш операциядан кейин контрактура ва тизза қопқоғини чиқишига олиб келади. Биз «Тизза қопқоғини тиклаш усули» ни таклиф қилдик ва бу усул №FAP 20200196 рақамли фойдали модель сифатида патентланган. Таклиф этилган усул тизза қопқоғини ҳарракатчанлигини оширади, латерал чиқишини олдини олади ва ортиқча травматизмни камайтиради. Тизза қопқоғини қўшимча барқарорлаштириш ва унинг чиқиб кетишини олдини олиш мақсадида фасцияни тизза қопқоғига П-симон пай-суяк усти чокларни қўйиш тизза қопқоғи чиқишини олдини олади**.** Тизза бўғими остеоартритининг типик клиник шаклларида, сезиларли варус деформацияси ва фаол яллиғланиш жараёни белгилари кузатилмаганда, тўлиқ эндопротезлашда энг маъқул ёндашув такомиллаштирилган субвастус ёндашуви ҳисобланади**.** Бу усулдан фойдаланиш юмшоқ тўқималарнинг жарроҳлик шикастланишини камайтириб, эндопротез қисмларини ўрнатиш учун анатомик жиҳатдан қулай шароитларни таъминлайди.

Тизза қопқоғининг тўғри жойлашиши операциядан кейинги тизза қопқоғи чиқиши ва контрактура каби асоратларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Фойдали модель учун патентда тавсифланган сон компонентини латерализация қилишнинг биз томонимиздан ишлаб чиқилган усули тизза қопқоғининг марказий ҳолатини тиклаш ва пателлофеморал муносабатларни барқарорлаштириш имконини беради. Бу орқали контрактура ва чиқиш хавфи камаяди. Бизда операциядан кейин тизза қопқоғини чиқиши ҳолати кузатилмаган, контрактура эса асосий гуруҳда 3 (2,5%), назорат гуруҳда 10 (8,6%) беморда кузатилган. Яъни 6,1% га асоратлар камайган.

Диссертациянинг **«Тиззани эндопротезлашдан кейинги эрта реабилитация тактикаси»** деб номланган тўртинчи бобида — операциядан

кейинги реабилитация жараёнини таҳлил қилади. Тўлиқ тикланиш 2–6 ой давом этади. Реабилитация икки босқичга бўлинади: операциягача - беморни амалиётга ахборот, руҳий ва жисмоний жиҳатдан тайёрлашга қаратилган ва операциядан кейинги - бўғим ва мушак-боғлам тизими функциясини тиклашга йўналтирилган. Иккинчи босқичда механотерапия, электростимуляция, массаж ва жисмоний машқлар қўлланилади. Бошланғич босқич стационарда, қолгани амбулатор тарзда ўтади.

Беморни мустақил юришга ўргатишни ўз ичига олган дастлабки босқичлар шифохона шароитида ўтказилади. Бу босқичларда асосан механотерапия, электростимуляция, қўл билан массаж қилиш, шунингдек, ҳар бир беморга мос равишда танланган даволаш жисмоний тарбия мажмуалари қўлланилади. Кейинги тадбирлар амбулатория шароитида, асосан ихтисослаштирилган реабилитация марказларида амалга оширилади.

Тикланиш 4 босқичда: 1) операциягача тайёргарлик; 2) эрта реабилитация; 3) яқин реабилитация (2 ойгача); 4) кечки реабилитация (6 ойгача). Операциянинг техник муваффақияти самарали реабилитацияга жараёнига бевосита боғлиқ бўлади.

Операциядан кейин функцияларни тезроқ тиклаш мақсадида «Тизза бўғимини ишлатувчи мослама» номли, № FAP 02197 рақамли патент билан ҳимояланган қурилма ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу мослама ёрдамида 120 нафар беморда операциядан кейинги эрта реабилитация босқичи самарали равишда амалга оширилди. Мослама беморга мустақил равишда ҳаракатли машқларни бажариш имконини яратиб, бўғим ҳаракатчанлигини ошириш, мушаклар кучини тиклаш ҳамда контрактуралар ривожланишининг олдини олишга хизмат қилади. Мосламадан кунига 2 марта, ҳар сафар 5–7 дақиқа давомида фойдаланиш тавсия этилади, кейинчалик эса машқлар сони ва давомийлиги босқичма-босқич ошириб борилади. Беморларга хона ва иш жойларида шифокор тавсияларига қатъий риоя қилиш, оғир жисмоний меҳнат, юқори юкламали спорт турлари ҳамда шикастланиш хавфи юқори бўлган фаолиятлардан сақланиш тавсия этилади. Паст юкламали жисмоний фаолият турлари — сузиш, велосипед ҳайдаш ва енгил юриш — реабилитация даврида энг мақбул ҳисобланади. Шунингдек, биринчи икки йил давомида мунтазам равишда шифокор кўригидан ўтиб туриш тавсия этилади.

1-расм. *Тизза бўғимини ишлатиш учун қурилма.*

Операция қилинган бўғимда даволовчи жисмоний тарбия (ЛФК) муолажаларини енгиллаштириш, шунингдек операциядан кейинги сурункали оғриқлар мавжуд бўлган ҳолларда радиочастотли нейроабляция ёрдамида нервларни денервация қилиш усулини қўлладик. Бундай муолажа 12 бемор (14 бўғим) га қўлланилди. Оғриқ давомийлиги ўртача 27,25 ± 3,16 кунни ташкил қилган. Ташҳис учун рентген ва УТТ ўтказилди. Денервация n. superior medial, lateral genicularis ва n. medial inferior genicularis бўйича амалга оширилди. Миниинвазив нейроабляция усули қўлланилгандан сўнг операция қилинган бўғимнинг функционал имкониятлари, оғриқ синдромининг хусусияти ҳамда беморнинг ҳаёт сифати биз томонимиздан ишлаб чиқилган баллли шкала асосида баҳоланди. Жами 12 нафар бемордан фақат 1 нафари асосий гуруҳдан бўлган, қолганлари назорат гуруҳидаги беморлардир. Нейроабаляция операциядан 2 ҳафтадан кейин бўғим функцияси, оғриқ ва ҳаёт сифатини баҳолаш орқали динамика таҳлил қилинганда 8 беморда баллар ёрдамида баҳолаш тизими орқали ўрганилганда 39 тадан паст балл тўплаган беморлар жарроҳлик амалиёти натижадорлиги самарасиз деб баҳоланган, 4 тасида 42 балл билан ўртача самарадорлик кузатилган.

Операциядан кейин юзага келиши мумкин бўлган асоратлар даражасини камайтириш мақсадида эрта реабилитация ва тикловчи даволашни самарали олиб бориш тавсия этилади. Ишлаб чиқилган қурилмани операциядан кейинги беморларда қўллаш натижасида операция қилинган бўғим функциялари яхшиланди, операция қилинган оёқнинг таянч қобилияти тезроқ тикланди, эндопротезнинг организмга мослашуви жадаллашди, операциядан кейинги контрактуралар сони камайди, шунингдек беморларнинг ижтимоий ва психологик мослашувига ижобий таъсир кўрсатди.

Диссертациянинг бешинчи бобида **«Реабилитация тадбирлари самарадорлигини таҳлил қилиш»** мавзусидаги материаллар келтирилган**.** Бу бобда тизза бўғими артропластикасидан кейинги реабилитация тадбирларининг самарадорлигини базометрик, нейромиографик, кўрсаткичлар, клиник анамнестик, функционал ва инструментал текширувлари назорат ва асосий гуруҳлардаги кўрсаткичларнинг бошланғич маълумотларга нисбатан ўзгаришлари жадваллар ва диаграммалар асосида еритилган.

